



Мажалла ва жаридаларнинг катта бир хосияти танкид, яъни сараламоқдур. Саррофлар акчани, тужжорлар матоъни саралаганидек, мухаррирлар хам умумий хол ва машшатга тааллук нимарсаларни саралайдурки, бошка сўз ила «танкид» аталур. Масалан, янги мактаб ва муаллимлари ва анда ўкулатургон китобларни маънан тафтиш этиб, андаги нухсонларни баён этмок танкиддур. Таарруз\* ва душманлик эмас.

Агарда шахсиятга тукунмаса. Аммо бир муаллим ё мударрис ва мухаррирни ишидан, шахсиятидан халойикга зарар келса, андан хам бахс ва танкид ёзмок шахсий бўлмайдур. Танкид янги ёзилган китоб, жарида ва мажаллаларга – да жорий ва нофеъдур.

Масалан, бир мухаррир ва ё муаллимни сахвини ва ўз хизматига бепарволигини ва лозим коида ва тартибларга амал килмай, оммага зарар келтургонини танкид этмок боиси ислоҳ бўлур. Бизни Туркистонда янги мактаблар хейле бордур. Янги рисола хейле босилиб турубдур. Жаридаларга макола ва шиорлар – ўкулуб турубдур. Аммо хануз танкид даврига етушганимиз йўқ. Иттифоко, танкид шаклинда бир нимарса ёзилса, бизларга каттиқ тегар.

Ёзганларимиз-ни бузуклиги ва фикримизни хатолиги, ишимизни нокислигини бирор киши курсатса, аччигимиз келур. Ва ул одамни душман кўруб, шахсидан нафрат ва фикрига норозилик баён этармизки, бул бизни янгидан ишга бошлаганимиздан, бошка тил илиа нокислигимиздандур. Биз эскиларни айблаймизки, аларга ислоҳдан сўзласак, чидай олмайдурлар, Аммо ўзимизнинг мактаб, ри-сола, таҳrir ва маслакимизни бир киши танкид этдими, чидай олмаймиз, диккат илиа мунаккид сўзини тингламаймиз. Мунаккид бизни тўгримизга минг сўз ила баёни муддао этар экан, биз они ичиндан ўн сўзини номаъкул топиб, юзига урармиз. Ва ёйинки важхсиз онинг сўзини радду ўзига эътиroz этармиз. Агарда ул десаки, ман сизга бир минг калима насихат ё танкид сўйладим, дуруст, ўн калимаси сизга бежо эканки, кайтиб олдим, 990 калимасига на дерсиз? На жавоб берармиз! Танкидни кўтаролмаганимизга тўгриси, хануз танкидга лойик бўлмаганимизни мисоли. Кафказли сайёҳ Мухаммад Сайд афанди Туркистон мактаблари тўгрисинда «Оила ва мўътабаран икбол» жаридасига танкид ёзиб эдики, анинг жавоби ялгуз курук бир эътиroz (прутест) бўлди. Аммо онинг ёзганига жавоб тушмас. Иккинчи, «Адаб ва тарбият» унвони илиа яна сайёҳ мазкур «Ойна»нинг 27—28—29—30 ракамларинда мактаб тўгрисинда воеъи далиллари илиа баъзӣ нимарсалар ёздики, мўътабар «Садойи Туркистон» рафиқимиз 11-ададинда Мухаммад Сайд афанди маколаларини хилофи адаб ва тарбия деб, они ёзилгонига сохиби макола ва идорага изхори норизолик айтиб, мазкур маколаларни «ахамиятсиз» дер. Хамда

«муаллимларнинг хотирин колдирув» бўлармиш. «Ойна» камоли эхтиром ила «Садойи Туркистон» рафиқимизга арз этарки, мазкур маколалар бошдан охиргача ахамиятсизми? Агарда ахамиятлиги бўлса, илтифотга олмаганларига таассуф этармиз. Ва макола ичидан икки – уч хотири мизожга номувофик тушган учун афуларини тилаймиз. Такроран, айтармиз: биз хануз танкидга лаёкат пайдо этганимиз йўқ. Яна кадима касалларимиздан — «норизо», «хотири колмасуну...» иллатлари хануз кетган йўқ.

Мухаммад Сайдид афанди таъбиринча, мундай кетаберса, «киёматдан минг йил сўнгра – да, Туркистонга тараккий йўқ;». Агарда, «хотир колмасун» коидаси маслак тутулса, матбуотдан калам тортмок керак. Чунки хакикий матбуот хеч кимни хотирига карамас. «Хотир колмасун» касали биз мусулмонларни барбод этди.

Умумий холлардан баҳс килиндими? Мутлак хар бир масалага бир неча кишини хотири колур. Ислохи мадорис ва дорулказо десангиз, уламони хотири колур. Ислохи расм базм десангиз, авомни хотири колур. Ислохи савомеъ\* десангиз сўфи, шайху эшонларни хотири колур. Ислохи фоидахўрлик ва тижорат десангиз, бойларни хотири колур. Энди илохи, макотиби жадида дейилганда, муаллимларни хотири колса, бас мухаррирлар учун сукутдан бошка иш колмайдур.

Шуни-да айтмок керакки, Мухаммад Сайдид афандидан ёинки идорадан биргина «баъзи» калимаси ма-ат-таассуф колибдурки, бу баъзи важхдан баъзи муаллим афандилардан. идора афу истар. Боки: Мухтарам «Садойи Туркистон»га салом.

«Ойна» ж., 1914 йил, 32-сон; 621—623 – бетлар.